

МАКТАБ ТАЪЛИМИ – КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ БИРЛАМЧИ МАНБАИ

Абдухоликова М.Б., Яратов Ҳ.

Юртимиз равнақи ва келажаги таълим-тарбия жараёнини узвий ривожланиб бориши билан амалга ошиб боради. Айни дамда таълим тизимида ўқув жараёни унинг мазмун-моҳиятини ташкил этиш технологиялари, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабат, мулоқотга киришувчанлик каби бир қатор ишлар аввалги фаолият турларидан тубдан фарқ қилади.

Жахон андозаларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлашни Қачон?, Қандай?, Қаерда? амалга ошириш лозимлиги ҳақида фикр юритганимизда, аввало мактаб таълими кўз олдимизда гавдаланади. Зеро, инсон ёшлигиданок, жамият тараққиёти қуршовида бўлиб, мактаб таълим тизимида ўзининг хатти-ҳаракатларини бирламчи олинган билимлари, тушунча, тасавурлари орқали амалга ошириб боради. Ўқувчиларда тақлидчанлик, мустақил фикрга эга бўлиш, касбий фаолият тўғрисида қизиқиш ва ҳаваслар ортиб боради. Ўқувчилар касблар ҳақида тўлиқроқ маълумот олишга ҳаракат қилиб, муносабат билдирадilar. Ушбу фикрлардан кўриниб турибдики, мактаб ўқувчиларида келажакка интилиш, касбий қизиқиш каби ўзига хос хусусиятлари уларнинг ички имкониятлари даражасидан келиб чиқаётганлигига эътибор қаратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

—Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастурига асосида таълим соҳасида самарали ислоҳотлар амалга оширилди. Мактабларнинг таъмирланиши, замонавий жиҳозлар билан таъминланиши ўқувчиларни ўқув фаолиятига бўлган муносабатларини ўзгартириш мотивларини шакллантириш имконини бермоқда. Шунингдек, мактаб таълими мазмунига алоҳида эътибор қилиниб, ДТС ва ўқув дастурларининг янги турдаги вариантлари чиқилиб, тажриба синовларидан ўтказилиб борилаётганлиги ҳам мактаб таълими тараққиётини янада такомиллаштириш имкониятини яратди.

Замонавий турдаги дастурлар асосида таълим жараёнида илғор педагогик-технологияларни қўллаш билан таълим самарадорлигини ошириш учун илм-фан ютуқларини амалий фаолиятга тадбиқ этиб, интеллектуал салоҳияти юқори ёш авлодни тарбиялаш ишларини талаб даражасида олиб бориш зарур. Ўқитувчи томонидан ташкил этилган дарс жараёни ўқувчиларнинг дунёқараши, мустақил

фикрлаши, касбий йўналишини танлашда педагогик-технологиялар, интерфаол усуллардан мақсадли қўллай олиш қобилиятига эга бўлиш давр талабидир. Бунинг учун ҳар бир педагог-ўқитувчи замонавий билимлар билан қуролланиши, кўникма-малакаларини шакллантириши, касбий маҳоратини чуқур эгаллаган бўлиши лозим.

Мамлакатимиздаги мавжуд барча ўқув юртлари таълим-тарбияни тўғри, илмий асосда ташкил этишнинг ўзига хос психологик қонуниятларини, унинг механизмларини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бу жараёнда содир бўладиган индивидуал тафовутларни, ўқувчиларда фаол, мустақил ва ижодий тафаккурни таркиб топтириш қонуниятлари ташкил этиш ва таълим-тарбиянинг таъсири билан ўқувчилар психикасида содир бўладиган ўзгаришларни, ўқув материалларининг ўқувчиларга мос келиши, турли таълим методларининг психологик жиҳатдан самарадорлиги, дарсликлар, ўқув қуроллари, асбоб-ускуналар ва мактаб ишларининг тартибига нисбатан бўлган психологик талаблар каби муаммоларни ўқувчилар билан ишлашда педагогик- психологик жиҳатларини билиш лозим.

Шунингдек, умумтаълим мактаблари ўқувчиларини-онгли ва мустақил равишда касб-ҳунар танлашга тайёрлаш, келгуси таълимнинг йўналиши ҳақидаги тушунчаларни такомиллаштириб бориш ишлари ижтимоий педагогик характердаги бир қатор тадбирлар ўтказишни ўз ичига олади. Ўқувчиларни касбга йўналтиришда даставвал уларнинг психик хусусиятлари яъни мойилликлари, қизиқишлари, қобилиятларини аниқлашда касб ҳунарга йўналтирувчи турли хил ташхис методикаларидан фойдаланиши керак.

Жумладан, Е.А.Климовнинг «Бўлажак касб типини аниқлаш» методикаси 30 фикрдан иборат ва ўқувчиларни бир ёки бир неча касбларга бўлган муносабатини аниқлаб беради. Ушбу классификацияга асосан замонавий касблар олами 5 та асосий типларга бўлинади.

I. «Одам-табиат». (Қишлоқ хўжалиги, агроном, биолог, ветеринар, зоолог, геолог, химик ва шу кабилар)

II. «Одам-техника». (техник-технолог, қурувчи, электрик, механик, машинасоз, техник ва шу кабилар)

III. «Одам-белги тизими». (иктисодчи, ҳисобчи, режаловчи, техник-дастурчи, оператор, муҳаррир, математик ва шу кабилар)

IV. «Одам-бадий образ». (безакчи, пардозчи, мусиқачи, артист, рассом, режиссёр, танқидчи ва шу кабилар)

V. «Одам-одам».(ўқитувчи, тарбиячи, ҳамшира, врач, журналист, хукукшунос, кутубхоначи, савдо ходими ва бошқалар)

Е.Климов методикаси бўйича ўқувчининг бир ёки бир неча касбларга бўлган муносабати аниқланади ва унинг у ёки бу касбга нисбатан қизиқиши шаклланмаганини билдиради. Бундай ҳолларда ўқитувчи амалиётчи психолог билан ҳамкорликда синалувчи билан эркин ҳолда суҳбатлашиши, унга қизиқишларини аниқлаб олишига ёрдам бериши зарур.

Г.Айзенкнинг —Темперамент типини аниқлаш|| методикаси ёрдамида психолог ўқувчининг энг муҳим типологик хусусияти яъни темпераментини аниқлаб беради. Кўпчилик касбларда темперамент типларини ҳисобга олиш, худди касбий саралаб олишдек, шунингдек, индивидуал иш тартибини мувафакқиятли ишлаб чиқишда ҳам зарур, бу эса камчиликларни бартараф этиш, ютуқ ва мувафакқиятлардан тўлиқ фойдаланишга имкон беради. Киши психикасининг динамик хусусиятлари замирида айрим туғма хусусиятлар ётади.

Ўқитувчининг мактаб психологи билан ҳамкорликдаги вазифаси ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятларини ёритиб, ҳосил бўлган маълумотлар билан таништириб, ўзига хос хусусият ва имкониятларини аниқлаган ҳолда муҳокама этиб, уларнинг касбий йўналишини тушунтириб беришдан иборат. Юқорида баён этилган фикрлар нуқтаи назаридан эътироф этиш мумкинки, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш жараёни ташкилий жиҳатдан кўпроқ педагогик-психологик қонуниятлар асосида амалга оширилади.

Касбга йўналтириш таълим муассасалари тарбиявий ишининг узвий бир қисми саналади, зеро касб танлаш ўзининг ижтимоий фойдали меҳнатда иштироки заруратини англаш сифатида шахс шаклланишининг муҳим шартидир. Шундай қилиб касбга йўналтиришни ижтимоий иқтисодий, психологик-педагогик ва тиббий физиологик вазифалар мажмуи деб тушунмоқ лозим, уларнинг мақсади эса, ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятлари ва жамиятнинг кадрлар талабларига мувофиқ келадиган касбий ўз-ўзини педагогик вазифалар ичида биринчи галда касбий ахборот бериш ва касбий маслаҳат тилга олинади. Касбий маслаҳат - гуруҳда олиб бориладиган маслаҳат, унинг жараёнида касб танлаш қоидаларига ўргатиш, касблар хилма -хиллиги қизиқишлар, хоҳиш истаклар, майллар ҳақида ахборот бериш орқали амалга оширилади. Юқорида таъкидланганидек, бўлажак касбни танлашда касбий қизиқишларнинг

пайдо бўлиши ва шаклланиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бироқ бу масалага кенгроқ ёндашиб айтиш зарурки, касбни тўғри танлаш шахснинг касбий йўналганлик негизида амалга ошади.

Мактабда ўқувчилар билан ишлашнинг энг муҳим вазифаларидан бири таълим жараёнини янада такомиллаштиришнинг ижтимоий - психологик асосларини ишлаб чиқишдир. Шу билан бирга ўқувчилар шахсининг таркиб топиш жараёнида турли тарбиявий тадбирларнинг ўқувчиларга кўрсатадиган таъсирини ҳамда ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашнинг педагогик-психологик асосларини тадқиқ этиш лозимдир.

Адабиётлар рўйхати

1. Хошимова М. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т.: ТДИУ. 2007. 58 б.
2. Расулова Ф. Абдуллаева Р. Педагогическая этика. Т.: ТДИУ. 2007. 116.
3. Маҳкамов У. Тилабова Н. Касбий маҳорат. Т.: ТДИУ. 2007. 82 б.
4. Ғозиев Э.Ғ., К.Қ. Мамедов Касб психологияси. Т.. 2003. 154 б.